

**Мирзакаримова М. –**

“Инновацион технологиялар маркази” бош мутахассиси, Тошкент Давлат шарқшунослик институти доценти, и.ф.н.

## НОГИРОНЛАР БАНДЛИГИ МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК<sup>1</sup>

**162-“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда “ногирон” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Ногирон – жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги тўғрисида турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон, деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахс”<sup>2</sup>. Мазкур қонуннинг 6-моддаси, 8-бандида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноτιижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги кўрсатилган. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини захирада сақлашлиги ваколати қайд этиб ўтилган.**

Қонунда “Ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади ногиронларга тўлақонли турмуш кечириш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш имконини берувчи ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашдан иборатдир”<sup>3</sup>, деб кўрсатилган ва “ногиронларни касбий реабилитация қилиш, бу касбга йўналтириш, касб таълими бериш, касб-ҳунар,

ишлаб чиқариш мослашувидан ва ишга жойлаштиришдан иборат бўлиши”<sup>4</sup> таъкидланган.

Ногиронларни уларнинг муваффақиятли равишда ишга жойлашишлари учун талаб қилинадиган хизмат турига кўра, шартли равишда уч тоифага ажратиш мумкин:

1. Фақат ахборий ёрдамга муҳтож ногиронлар.

2. Касбий ва руҳий тайёргарлик дастурларига муҳтож ногиронлар.

3. Ишга жойлашишга ва кейинги ишлаш жараёнида қўллаб-қувватлашга муҳтож ногиронлар.

Биринчи тоифа ногиронлар билан аҳоли бандлиги бўйича давлат хизмати маълум даражада фаолият олиб бормоқда, ногиронларни иш билан таъминлаган корхоналарга имтиёзлар берилмоқда. Чунки улар учун алоҳида меҳнат шароитлари яратиш талаб қилинмайди ва ишга жойлашиш учун фақат уларнинг касбий кўникмалари ва жисмоний имкониятла-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг А2-ФҚ-0-17304 А2-042 рақамли «Ижтимоий ҳамкорлик – иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омили сифатида» мавзуидаги лойиҳа доирасида тайёрланди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрир) ЎРҚ-162-сонли қонуни, 3-моддаси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 3-боб, 12-модда.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 13-модда, 2-банди.

рига мос бўш ўринлар рўйхати керак бўлади. Бундай гуруҳларга умумий касалланиш бўйича асосан III гуруҳ ногиронлари киради.

Иккинчи тоифа мазкур вазиятда салбий ижтимоий тажриба (таълим олишнинг имконсизлиги, ногиронлиги туфайли иш берувчиларнинг ишга қабул қилишдан воз кечиши) оқибатида ишга жойлашишга тайёр бўлмаган кишилардан иборат. Бундай кишилар руҳий қўллаб-қувватлаш ёки касбий ўқитишга муҳтож. Меҳнат фаолияти имкониятлари билан таъминлаш учун иккита асосий муаммони ҳал қилиш талаб этилади: улар учун махсус меҳнат шароитларини яратиш ҳамда ишга жойлашиш ва кейинги иш жараёнига тайёрлаш бўлиб, шахсий руҳий муаммоларни бартараф қилиш ва коммуникатив лаёқатларини ривожлантириш унинг асосий унсурлари ҳисобланади.

Жуда кўп масалалар амалдаги қонунчиликда ҳам, уни қўллаш амалиётида ҳам "махсус меҳнат шароитлари" тушунчасини келтириб чиқаради. Кўпчилик томонидан бу омил ногиронлар учун мутлақо қулай инфратузилма яратиш ва ногирон ходимлар самарали меҳнат қилиши учун махсус қўшимча ускуналарга эга бўлиш сифатида тушунилади. Бизнинг фикримизча, ногиронларнинг бор имкониятларига қараб хизмат мажбуриятларига мослашиш ва иш тартибининг ўзгариши ҳам муҳим.

Учинчи тоифага шундай ногиронлар кирадики, уларни муваффақиятли ишга жойлаштириш учун бевосита ишга жойлаштириш жараёнида ҳам, улар ишлашининг дастлабки босқичларида ҳам қўллаб-қувватлаш тизими зарур бўлади. Бу тоифага, масалан, ментал ногирон ёки аниқ намоён бўладиган руҳий муаммоли кишилар (алоҳида вазиятларда бунга таянч, ҳаракат аъзолари, кўриш ва эшитишдаги жиддий камчиликлари бор кишилар)ни киритиш мумкин. Бундай қўллаб-қувватлашни махсус билим олган мутахассислар ёки гуруҳ раҳбарлари амалга оширишлари мумкин.

Ушбу ногиронлар гуруҳининг меҳнат фаолияти фақат касбий, ижтимоий ва коммуникатив кўникмаларга ихтисослашган ўқув даргоҳларидагина эмас, балки оддий корхонадаги ҳақиқий меҳнат фаолияти вазиятида ҳам узоқ вақт ўқитиш таъминланганда амалга оширилиши мумкин. Ўқитиш ногиронни иш вақтида (алоҳида вазиятларда эса иш жойига бориш ва яшаш жойига қайтишда ҳам) кузатиб борувчи мутахассислар амалга оширади-

лар, унга юклатилган хизмат мажбуриятларини бажаришга мослашишга ва меҳнат жамоасига қўшилишга ёрдамлашадилар. Бундай ёрдам, асосан, оғир даражада ногирон ёки жиддий асаб касалига чалинган кишиларга керак бўлади.

Аҳоли бандлиги бўйича давлат хизмати фақат биринчи ва иккинчи тоифадаги ногиронлар билан ишлайди. Шунинг учун хизмат фаолияти таркибида руҳшунослар ва касбга тайёрлов курслари мавжуд бўлади. Бироқ ногиронлар учун бу хизматларнинг қулайлиги ва самарадорлиги жуда чекланган. Аҳоли бандлиги хизмати тизимида ногиронларни ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган махсус бўлимлар ва махсус тайёрланган кадрлар мавжуд эмас, уларни ижтимоий ҳимоялаш бўлими орқали умумий тартибда қўллаб-қувватлаш амалга оширилади (ногиронлик аравачалари, берилади моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилади).

Натижада фақат кам сонли (агар меҳнат қилиш ёшидаги ногиронлар умумий миқдорига солиштирадиган бўлсак) ногиронларгина уларни ишсиз фуқаролар (реабилитациялаш алоҳида дастурлари расмийлаштирилган картаси талаб этилади) сифатида ҳисобга олиш тизими орқали бундай хизматлардан фойдаланадилар. Мамлакатда ногиронларни ишга жойлаштириш умумий фоизи ҳам кам.

Бундай вазиятда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ногиронларни ишга жойлаштириш дастурларини кўп жиҳатдан самарали, деб бўлмайди. Ҳозирги пайтда бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар ва ишга жойлаштирилганлар орасида ногиронлар жуда кам. Борларининг ҳам аксарияти II ва III гуруҳ ногиронлари эканлиги ва аниқ ифодаланган жисмоний ёки ментал чекловларга эга эмаслигини қайд этиш лозим<sup>1</sup>.

Ишга жойлаштирилган ногиронларга нисбатан сабаблар орасида иккита асосий омилни келтириш мумкин:

1. Зарурий миқдорда иш берувчилар ва мос равишда ногиронларга тақдим қилинадиган бўш ўринларнинг мавжуд эмаслиги:

– ногирон бўлмаган (ҳар қандай вазиятда ҳам камситиш ва огоҳлантиришларсиз) иш изловчилар билан тенг шароитда;

<sup>1</sup> Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумоти.

– кадрларни танлашга нисбатан махсус сиеёсат асосида.

– ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш устуворликларидан, улар учун қулай инфратузилмани яратиш ва самарали ишлашлари учун махсус ускуналарга эга бўлиш ҳамда уларнинг яқка хусусиятларини эътиборга олган ҳолда иш тартиби ва хизмат мажбуриятларини қайта кўриб чиқишдан иборат бўлиши мумкин.

2. Ногиронларни касбга йўллаш, руҳий ва касбий тайёрлашдан тортиб, ишга жойлаштиришга қадар самарали дастурларнинг мавжуд эмаслиги. Кўп ҳолларда бундай дастурлар алоҳида ҳолида самарали бўлмаслигини ва ногироннинг барча мавжуд муаммоларини (руҳий, ижтимоий ва касбий) ҳали унинг учун мос келадиган вакансияларни танлаб олгунга қадар ҳал қиладиган комплекс тадбирларни ўзида мужассамлаштириши зарур эканлигини қайд этамиз.

Мазкур муаммоларни ногиронларга хизмат кўрсатадиган махсус тузилмалар воситасидагина ҳал қилиш мумкин бўлади. Хусусан, иш берувчилар ва ногиронлар орасида мавжуд меҳнат ресурслари томонидан тақлифлар тўғрисидаги бутун ахборотларни ҳаракатлантирадиган ташкилот зарур. Ногиронларни ишга жойлаштиришнинг қуйидаги уч дастурини ўз ичига оладиган тугалланган цикли шакллантирилган бўлиши керак:

1. Ишга жойлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш.

2. Ногиронларни ишга жойлаштириш жараёнига касбий ва руҳий тайёрлаш дастури.

3. Иш жараёнида яқка тартибда кузатиш (қўллаб-қувватладиган ишга жойлаштириш), ижтимоий корхоналарни ташкил қилиш дастури.

Бу муаммолар минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари, бизнес ва нотижорат ташкилотлари шерикчилигида самарали ҳал қилиниши мумкин. Хусусан, бундай ҳамкорликнинг тизимли амалиётини мамлакатимиз минтақаларида вужудга келтириш ва муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

**Ишга жойлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш. Ногиронлар бандлигига кўмаклашувчи махсус ташкилот яратиш.**

Ногиронларни ишга жойлаштириш бўйича самарали ишлаш учун иш берувчиларни уларнинг бўлғуси ходимлари билан бирлаштира-

диган мутахассислар лавозими зарур. Бундай агентлик ногиронлар ва маълум вакансиялар доирасида муайян инсон учун меҳнат шароити яратишга алоҳида ёндашадиган иш берувчилар учун хизматлар соҳаси мажмуавийлигини қўшиб олиб бориши мумкин. Шу билан бирга агентлик ишининг муҳим жиҳати ногиронлар ва иш берувчиларга йўналтиришдир, бунда агентлик ходимлари улар ўртасида боғловчи бўғин вазифасини ўтайди.

Агентлик ходимлари ҳар бир ногироннинг тайёргарлик даражасини (ҳам касбий, ҳам руҳий мослашувчанлигини) баҳолайди, зарурат туғилганда, алоҳида эҳтиёжларга мувофиқ, тренинглари ва семинарларда унинг иштирокини таъминлайдилар, фақат шундан кейингина унинг хизматини иш берувчиларга тақдим этадилар. Бошқа томондан, ногиронларни ишга жойлаштириш (бунга махсус меҳнат шароитларини яратиш, зарурий ҳужжатларни ҳуқуқий расмийлаштириш ва янги иш ўрнига мослашишга ёрдам бериш) жараёнининг компания ходимларидан агентлик мутахассисларига асосий юкмасини тақлиф қилиш имконияти пайдо бўлади, бу эса тадбиркорлар томонидан ногирон ходимларга бўлган қизиқишни анча оширади.

Агентликнинг қуйидаги асосий вазифаларини кўрсатиш мумкин:

1. Ногиронлар орасидаги меҳнат ресурслари билан ишлаш – кейинчалик ишга жойлаштириш учун излаш, танлаб олиш ва тайёрлаш. Бунга иш излаётган ногиронлар маълумотлар негизини яратиш ва юритиш, уларни ўқитишга бўлган эҳтиёжга кўра таснифлаш ва ногиронларни ишга жойлаштириш ва кейинги ишларига касбдан ташқаридаги тайёргарлигини олиб бориш киради. Касбдан ташқари тайёргарлик ишга жойлаштириш жараёнида зарур бўлган коммуникатив лаёқатлар, мослашувчан имкониятлар ва амалий кўникмаларни ривожлантириш бўйича (резюме ёзиш, суҳбатдан ўтиш ва ҳ.) тренинглари кўзда тутлади. Алоҳида вазиятларда агентликнинг тегишли ташкилий ривожланишида касбий тайёргарликнинг алоҳида унсурларини, масалан, компьютер саводхонлиги курсларини ўтказиш ҳам кириши мумкин бўлади. Агентлик ходимлари томонидан аҳоли бандлиги давлат хизмати дастурлари доирасида қўшимча касбий таълим олиш учун иштирокчилар гуруҳини шакллантириш бунинг муқобил усули ҳисобланади.

2. Компания ходимлари учун тренинглари, ногиронлар учун махсус меҳнат шароитларини яратиш, дастлабки уч ойда янги ходимларнинг ногиронлар билан ишлашни кузатиш тизими, ногирон ходимлар меҳнати самарадорлиги билан боғлиқ вазият мониторинги. Бу бугунги кунда республикада турли фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат, ноижорат ташкилотлар орқали ривожлантириш зарур бўлган янги йўналишдир. Бизнинг фикримизча, айнан иш берувчилар билан ўзаро таъсирга етарли эътибор қаратмаслик давлат дастурларининг самарасизлигига олиб келади. Агентлик мутахассислари вазиятни тузатадилар, уларни шартли равишда ногиронларни ишга жойлаштириш агентлари, деб номлаш мумкин. Бундай агентлар ногиронларни ишга жойлаштириш мақсадида улар билан музокаралар олиб бориш ва иш жойларини излашни таъминлайдилар. Чунки агент шунчаки мавҳум ҳамкорликни таклиф қилибгина қолмасдан, балки ишга жойлаштириш жараёнининг вақтинчалик ишлар, истиқболда илғор ходимларни компания лавозимида қолдириш шarti билан синовдан ўтказиш каби бандликнинг турли шакллари ҳам таклиф қиладилар. Бундан ташқари, ногирон ходимларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришга ва уни ташкил этишга мослаштиришда ёрдам бериш янада муҳимроқдир. Яъни, иш берувчи ногиронни ишга олишга шунчаки рози бўлибгина қолмайди, унинг учун юзага келган маълум рискли қадам тўғрисидаги тасаввурлар туфайли у агентлик мутахассисларини исталган мураккаб вазиятларда ташлаб қўймайдилар ва ногиронларни ишга жойлаштириш жараёнидаги юзага келиши мумкин бўлган барча муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашадилар. Бундан ташқари, ҳар қандай ходимни ишга жойлаштиришнинг муҳим таркибий қисми уни иш жойида ўқитиш ҳисобланади ва бу жараён агентлар хизмат кўрсатаётган дастлабки муддатларда зарурат туғилганда агентлик мутахассислари ҳам бошидан ўтказадиган жараён кабир.

3. Ногиронлар ва иш берувчиларнинг жорий муаммоларини ҳал қилиш ҳамда ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида яратилган ҳуқуқий имкониятлар ногиронларни ишга жойлаштириш муаммосини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам берадиган асосий қулайликлардан бири

бўлиб қолмоқда. Чунки бу қулайликлар ногиронларнинг ўзлари учун ҳам (энг аввало, реабилитация яқка дастурларини шакллантириш масалаларида), иш берувчилар учун ҳам ҳужжатларни расмийлаштириш ва ишга қабул қилинган ногиронлар юзасидан меҳнат бўлимлари билан бўладиган муносабатларда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернobilчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этадиган юридик шахсларнинг (бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно) фойда, мол-мулкига солинадиган солиқдан, сув ресурсларидан олинадиган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғидан, жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқдан озод қилинади<sup>1</sup>. Бу ҳам ногиронларни ишга жойлаштиришга рағбатлантиради.

Бироқ тузилмавий ўзгаришлар, улар ўртасидаги шериклик муносабатларини ривожлантириш шароитида ногиронларни ишга жойлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини пухта ишлаб чиқиш зарурати вужудга келади. Агентлик мутахассислари иш берувчилар зиммасидан ушбу қийинчиликни олиб ташлашлари мумкинлиги ногиронларни ишга жойлаштириш жараёнига бизнесни жалб қилиш имконини берадиган яна бир муҳим ҳолатдир.

4. Ногиронларни ишга жойлаштириш янги технологияларини, уларни ишга жойлаштириш бўйича мутахассислар тайёрлаш дастурлари ва услубий материаллар ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Биз таклиф этаётган агентлик ногиронларни ишга жойлаштиришнинг янги дастурларини ишлаб чиқиш, амалда татбиқ этиш ва кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Агентлик ўз саъй-ҳаракатларини иш берувчилар ва ногиронлар учун амалий хизматларгагина мужассамлаштириши зарур бўлиб қолмай, балки ўз иш тажрибасидан фойдаланиб, мазкур мураккаб ижтимоий вазифани ҳал қилишга кўмаклашадиган ўқув-услубий ва публицистик материалларни яратадиган (шу

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 158-, 261-, 269-, 298-моддалар. Солиққа оид қонун ҳужжатлари. – Т.: Норма МЧЖ, 2008. –127-, 208-, 215-, 233-6.

жумладан, ижтимоий реклама унсурлари) тузилма бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, агентлик негизида ногиронларни ишга жойлаштириш бўйича мутахассислар тайёрлаш ва ўқитиш таъминланиши мумкин бўлиб, улар бошқа давлат ва жамоат ташкилотларида ўз ишларини давом эттиришлари мумкин.

Айнан шу сабабли “ногиронлар меҳнат биржаси” доирасида ёки у билан бир қаторда, ногиронларни касбга йўллаш, руҳий ва касбий тайёрлаш бўйича кейинчалик ишга жойлаштиришга комплекс хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар тузилиши зарур.

Ногиронларни ишга жойлаштиришнинг туғалланган цикли шакллантирилган бўлиши керак, бу ерда уларнинг иш излашида (резюме тузишда, мос вакансияларни танлашда) ёрдам кўрсатиш, иш излаётган ногиронлар ва вакансиялар ягона маълумотлар жамғармасини яратишда ногиронларни ахборий қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратиб, иш берувчилар ногиронлар орасида иш изловчилар сонини кўриб чиқишга тайёр турадилар.

Республикамиз минтақаларида бандликка кўмаклашиш марказлари ва ногиронлар минтақавий жамоат ташкилотлари томонидан ногиронлар бандлигига кўмаклашишга ихтисослашган бўлим тузиш зарур.

Бу ногиронларни ишга жойлаштириш муммоси билан шуғулланадиган ихтисослашган ташкилот тузишнинг қизиқарли тажрибаси ҳамда давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг ўхшаши йўқ намунаси бўла олади.

Республикамиз минтақаларида тузилган ногиронларнинг бундай минтақавий ташкилотини турли тоифа фуқароларни ишга жойлаштиришнинг кўп йиллик тажрибасига эга бўлган бандликка кўмаклашиш марказлари билан ўртоқлашиши ҳамда Жамоатчилик фонди ва турли хайрия маблағлари ҳисобига пунктнинг ишлаши учун ускуналар (шахсий компьютерлар, ташкилий техника, Интернет тармоғига уланиш, телефон алоқаси ва ҳ.) билан таъминланиши мумкин. Бундан ташқари, мазкур ташкилот ногиронларни ишга жойлаштиришнинг синалган (шу жумладан, иш изловчи ногиронлар маълумотлар негизи) ва кўплаб иш берувчи – ташкилотлар билан узвий ҳамкорликнинг йўлга қўйилган технологияси каби ҳисса қўшади. Бу пунктга ходим ёллашда бандликка кўмаклашиш марказлари ходимларини ҳам жалб қилиш керак.

### **Ихтисослашган бўш иш ўринлари ярмаркаси.**

Иш изловчи кишилар ва уларнинг меҳнатидан манфаатдор иш берувчиларни боғловчи бошқа восита бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳисобланади. Ногиронларнинг кўпчилиги ногирон бўлмаган фуқаролар билан умумий асосда ярмарка хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. Ногиронлар камдан-кам ҳолларда уларда иштирок этади. Бундан ташқари, ногиронларнинг бундай хизматлардан фойдаланмаслиги асослилигидир.

Аввало, иш берувчиларнинг ярмаркалардаги вакиллари эълон қилинган бўш иш ўринларига ногиронларни тўла ҳуқуқли даъвогарлар сифатида қарашга тайёр эмас, ташкилотчилари эса ўтказиш жойларини ўзлари танлайди ва ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олмаган ҳолда хизмат кўрсатади. Яъни кўпчилик ярмаркалар таянч-ҳаракат аъзолари ишламайдиган ногиронлар учун меъморий жиҳатдан ноқулай жойларда ўтказилади, ногиронлар учун кўриш ва эшитиш, ахборотларни тақдим қилиш инфратузилмаси эса мутлақо кўзда тутилмаган.

Айнан шунинг учун ҳам ногиронлар учун ихтисослашган ярмаркаларни ўтказиш зарурати вужудга келмоқда. Ногиронлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси мунтазам, йилига бир неча марта ўтказилиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ярмаркаларни тайёрлаш ва ўтказиш минтақавий давлат бандликка кўмаклашиш марказлари ва ногиронлар жамоат ташкилотлари ўзаро узвий алоқадорлигида ўтказилади. Ногиронлар жамоат бирлашмалари иштирокисиз бу тадбирлар юқори савияда ўтказилмайди. Жамоат ташкилотлари бандликка кўмаклашиш марказларидан фарқ қилиб, вакансиялар ярмаркасини ўтказиш тажрибасига эга эмаслар, бандлик хизмати эса, ўз навбатида, ногиронлар билан ишлаш бўйича тўлақонли тажрибага эга эмас. Жамоат бирлашмалари учун молиявий таркибий қисм ҳам муҳим ҳолат ҳисобланади, чунки аскар вазиятларда улар вакансиялар ярмаркасини ўтказишда бинолар ижараси ҳақини тўлаш имкониятига эга эмаслар. Бу эса давлат тузилмалари билан мажбурий ўзаро биргаликдаги ҳаракатни кўзда туттади.

Ногиронлар учун иш ўринлари ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказишда муваффақият қозониш шартларидан бири – аҳоли бандли-

ги давлат хизмати тузилмалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ногиронларнинг жамоат бирлашмалари ўртасидаги мажбуриятларини пухта белгилаш ҳисобланади. Жадвалда бундай ҳамкорлик тажрибаси акс этган (1-жадвал).

### **Ногиронларни ишга жойлаштиришга касбий ва руҳий тайёрлаш дастури.**

Қуйидагилар дастурнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- иш изловчилар клуби;
- касбга йўллаш;
- касбий таълим турли курсларида қатнашиш имконияти (ногироннинг қизиқиш ва мойиллигидан келиб чиқиб);
- иш излаш жараёнига яқка тартибда йўллаш.

Мазкур дастур руҳий ишлар таркибий қисмларини (шу жумладан, иштирокчиларни ўзаро қўллаб-қувватлаш ҳисобига), мустақил равишда иш излаш кўникмаларини ва ўзини иш берувчилар олдида намойиш қилишни, меҳнат қонунчилигини ўргатишни таъминлайди.

Барча хоҳловчилар учун ўқитиш дастурлари тугагандан кейин ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатиш яқка режаси тузилиши керак. У мос келувчи вакансияларни танлаш, иш излаш жараёнида ва ишга жойлаштириш бошланғич даврида яқка кузатув, стажировкаларда қатнашиш, ҳар хил турдаги мутахассисларга ёрдам кўрсатиш ва зарурат туғилганда, касбга ўқитишни ўз ичига олиши мумкин. Бунда ижтимоий шериклик субъектлари бир хил вазифаларни бажаришлари муҳим бўлиб, биргаликда фаолият олиб боришларини рағбатлантиради.

### **Соҳалараро ўзаро таъсир.**

Жамоат ташкилотларини давлат томонидан молиялаштириш қуйидаги усуллардан фойдаланиб олиб борилиши мумкин:

- грант конкурслари, улар инновацион лойиҳаларни бир марталик қўллаб-қувватлашни кўзда тутуди;
- ижтимоий буюртмалар тизими, улар ташкилотга молиявий маблағларни қандайдир дастурлар ёки чора-тадбирларни амалга ошириш учун ўтказишни ўз ичига олади.

Ушбу босқичда ногиронларнинг меҳнатда бандлиги муаммосини ҳал қилишда жамоат бирлашмаларининг иштироки фақат давлат ва минтақавий грант танловлари ёрдамида ва алоҳида вазиятларда ижтимоий буюртмалар тизими доирасида мумкин бўлади.

Шунингдек, республика ногиронлари ва ҳаёт фаолияти чекланган бошқа шахсларнинг ижтимоий уйғунлашуви дастурига жамоат ташкилотларини ҳам жалб қилиш керак. Бунда ижтимоий аҳамиятга молик ва хайрли фаолиятни амалга оширадиган жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тартиби қўлланилиши мумкин.

Ногиронларни ишга жойлаштириш муаммосини ҳал қилишда бизнеснинг фаол иштироки жуда муҳимдир. Буюк Британияда ана шу мақсадда Employers Forum of Disability (EFD)<sup>1</sup> ташкилоти тузилган. Россияда 2008 йил кузидида "Перспектива" ногиронлар минтақавий ташкилоти ташаббуси билан ногиронлик масалалари бўйича иш берувчилар кенгаши ташкил қилинди. Кенгаш еттига йирик компаниялар: Трансаэро, Nike, Johnson&Johnson, Citi – Россия, Hewlett Packard, KPMG, Microsoft компанияларини бирлаштирган. Москва шаҳри марказий маъмурий округи аҳоли бандлиги маркази раҳбарияти кенгаш фаолиятига жалб қилинган.

Бизнес томонидан ногиронлар масалалари бўйича иш берувчилар кенгашини тузиш Ўзбекистонда ҳам катта аҳамиятга эга. Жараёни янада фаоллаштириш ва ривожлантириш учун янги тижорат тузилмаларини ногиронлик ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш фаолиятига жалб қилиш ташаббускорлари сифатида чиқаётган ташкилотлар керак. Бу вазифани ногиронлар меҳнат фаолиятининг муваффақияти тўғрисидаги ахборотларни тарқатган ҳолда шу сингари кенгашлар фаолиятини ривожлантирган ва оммалаштирган, уларга товарлар ва хизматларнинг истеъмолчилари сифатидаги муносабатнинг муҳимлигига урғу берган ҳолда ҳал қилиш мумкин.

<sup>1</sup> Employers Forum of Disability – иш берувчиларнинг Буюк Британиядаги етакчи ташкилоти бўлиб, унинг фаолияти ногирон кишилар ва бизнеснинг ўзаро фойдасига қаратилган. У 1991 йилда вужудга келди ва иш берувчиларнинг ногиронларни иқтисодий ва ижтимоий интеграцияси соҳасида ҳаракатланиши билан шуғулланади. Бугунги кунда EFD 400 дан ортиқ компанияни бирлаштириб, ҳаммаси бўлиб Британия меҳнат бозорининг тахминан 25%ини эгаллайди. EFD – тижорат ташкилоти бўлиб, аъзолик бадаллари ҳисобига молиялаштирилади, маблағларнинг бир қисми нашрлар савдосидан тушади. EFD ёрдамида иш берувчиларга ногирон ходимларни ёллаш, тутиб туриш ва ривожлантириш; ногирон истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш; бошқа компаниялар тажрибасини ўрганиш; меъёрий ҳужжатларни қабул қилишга таъсир кўрсатиш осонлашади.

**1-жадвал. Ногиронларни ишга жойлаштириш бўйича ярмарка ўтказиш юзасидан ижтимоий шериклик субъектлари ва уларнинг вазифалари<sup>1</sup>**

Бандликка кўмаклашиш марказлари	Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тузилмалари	Нодавлат, нотижорат ташкилотлар
<p>- иш берувчиларни жойлаштириш майдонларини тақсимлаш ва расмийлаштириш бўйича асосий ташкилий мажбуриятлар ва ногиронлар учун маслаҳат хизматлари кўрсатиш.</p> <p>- тадбирлардаги асосий тартибловчи мажбуриятлар.</p> <p>Иш берувчилар экспозицияларини шакллантириш ва таклиф этиш.</p> <p>- ўтказилажак тадбирлар ҳақида ногиронларни хабардор қилиш.</p> <p>- НМСВМБ (ногиронлар меҳнати самарадорлигининг вазиятини мониторинг қилиш бюроси)ни тузиш, унинг мутахассисларини жалб қилиш ва РЯД (реабилитациялаш якка дастурлари) ни шакллантириш бўйича маслаҳатлар ташкил қилиш.</p> <p>- ногиронлар учун реабилитация дастурларини амалга ошириш бўйича аҳолини ижтимоий муҳофазалаш хизмати фаолияти тўғрисида деворий газета расмийлаштириш.</p> <p>- тадбирларга ногиронларни жалб қилиш ва хабардор қилиш.</p> <p>- вакансиялар ярмаркасида тартиблаш вазифаларида қатнашиш.</p> <p>- ОАВ (оммавий ахборот воситалари)ни тадбирлар анонсига жалб қилиш ва хабардор қилиш.</p> <p>- ўқув юртлари экспозициясини шакллантириш ва таклиф қилиш ҳамда иш берувчиларни жалб қилишда қатнашиш.</p> <p>- касбга йўллаш хизматларини тақдим қилиш.</p> <p>- вакансияларнинг компьютер банкига киришини таъминлаш.</p> <p>- бандлик маркази орқали касбий таълим олиш, вақтинчалик ва жамоат ишларини ташкил қилиш дастурларида қатнашиш масалаларида маслаҳатлар бериш ва деворий газета расмийлаштириш.</p>	<p>- тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш.</p> <p>- НМСВМБни тузиш, унинг мутахассисларини жалб қилиш ва РЯД ни шакллантириш бўйича маслаҳатлар ташкил қилиш.</p> <p>- ногиронлар учун реабилитация дастурларини амалга ошириш бўйича аҳолини ижтимоий муҳофазалаш хизмати фаолияти тўғрисида деворий газета расмийлаштириш.</p>	<p>- тадбирларга ногиронларни жалб қилиш ва хабардор қилиш.</p> <p>- вакансиялар ярмаркасида тартибловчи вазифаларда қатнашиш.</p> <p>Оммавий ахборот воситаларини тадбирлар анонсига ва хабардор қилишга жалб қилиш.</p> <p>- ўқув юртлари экспозициясини шакллантириш ва таклиф қилиш ҳамда иш берувчиларни жалб қилишда қатнашиш.</p> <p>- вакансиялар ярмаркасини ташкил қилиш ва ўтказишга нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва кўнгилчилар шериклигини жалб қилиш.</p> <p>- тадбирлар белгилари ва атрибутларини тайёрлаш.</p> <p>- ишга жойлаштириш имкониятлари бўйича ногиронлар учун тарқатма материаллар тайёрлаш.</p> <p>- ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ташкил қилиш.</p> <p>- фильмлар ва видеоматериаллар намойишини ташкил қилиш.</p>

**Адабиёт**

1. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрир) ЎРҚ-162-сонли қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 158-, 261-, 269-, 298-моддалар. Солиққа оид қонун ҳужжатлари. 2008. – Т.: Норма МЧЖ, 2008. –127-, 208-, 215-, 233-б.
3. Социальное партнерство и развитие институтов гражданского общества в регионах и муниципалитетах: практика межсекторного взаимодействия. / Практическое пособие / Под редакцией А. Е. Шадрин. – М.: Агентство социальной информации, 2008. – С.488.

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.